



РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ



Идирисов Алишер Отажонович,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ресурс солиқлари маъмуриятчилигини ташкил этиш, жумладан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиб-қоидалари, солиқ тушумларининг аҳамияти, шунингдек қўшимча солиқ базасини яратиш ҳамда солиқ маъмуриятчилгининг баъзи масалаларини янада такомиллаштириш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ресурс солиқлари, ер солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ солиш объекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқ назорати.

Кириш.

Ресурс солиқлари деганда кўз ўнгимизда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқлар гавдаланади. Ушбу солиқларнинг жорий этилишидан кўзланган мақсад - Давлат бюджетига қўшимча маблағ жалб қилишгина бўлиб қолмасдан, балки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ҳамда экологик мувозанатни сақлаш каби турли мақсадларни ҳам кўзда тутаяди. Одатда табиий ресурслардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ресурс солиқларининг тўловчилари бўладилар.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида юқоридаги мақсадларни жамлаган ҳолда ресурс солиқлари қўлланилади, лекин ҳар бир мамлакатда ёндашувлар турлича бўлиб бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шунга кўра ҳар бир мамлакатнинг ўз хусусиятлари ва қонунчилиги асосида ушбу солиқлар қўлланилади. Таъкидлаш ўринлики, ресурс солиқлари бўйича тушумлар ҳам бюджет даромадларини шакллантиришда фискал аҳамияти муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида ҳисобланади. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатидан мустаҳкамлаб қўйилган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ундириладиган тўловларга доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бир қанча қонун-ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Фикримизча, бугунги кунда мамлакатимизда табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий механизмлари яратилган бўлсада, ушбу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ресурс солиқларини тўловчилар, солиқ солиш объекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, солиқ имтиёзлари ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари қонунчиликда тартибга солинган².

Мамлакатимизда ер ресурсларига доир муносабатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг тегишли моддаларида ер майдонларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг мажбуриятлари ҳамда ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш масалалари кўзда тутилган³.

Юртимизда бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга кўра жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тушумлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши мумкинлиги, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумлари эса Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши мумкинлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга ҳақли эканлиги назарда тутилган, шунингдек, унга кўра норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари ҳам туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши мумкинлиги кўзда тутилган⁴.

Жорий йил 1 январдан Солиқ кодексининг 483 моддасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ “Изланиш ва ривожланиш” марказлари 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда улар эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғини мазкур солиқ бўйича ҳисобланган суммасининг 1 фоизи миқдорида тўлаши бўйича имтиёз берилди⁵.

² Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

³ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ЎРҚ- 598-I сонли Қонуни билан қабул қилинган Ер кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

Мамлакатимизда ер ости бойликларидан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда соҳага доир муносабатларни тартибга солувчи умумий қоидалар, кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши, ер қаъридан фойдаланиш масалалари, ер остидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ҳамда ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик каби тартиб-қоидалар кўзда тутилган⁶.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ учун олтин бўйича 10 фоиз, палладий, кумуш, мис бўйича 15 фоиз, “Навоийуран” ДК учун уран бўйича 16 фоиз, “Ўзбекнефтгаз” АЖ учун нефть, табиий газ ва газ конденсати бўйича 15 фоиз миқдорида белгиланган⁷.

Жорий йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига киритилган ўзгаришларга мувофиқ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ маъмуриятчилигининг айрим масалалари янада такомиллаштирилди⁸.

Мамлакатимизда сувга доир муносабатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг асосий вазифаси аҳоли ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир⁹.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди¹⁰. Ушбу қарорга кўра қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришнинг устувор йўналишлари сифатида сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш кўзда тутилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада статистик маълумотларни гуруҳлаш, қийслаш, солиштирма таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Шунингдек ресурс солиқлари бўйича

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 444-П-сонли Қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-422-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги 837-ХП-сонли Қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

маъмуриятчиликни ташкил этиш юзасидан амалдаги қонунчилик нормалари бўйича айрим масалалар таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда бюджетга тушган жами солиқ тушумлари 165 918 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 72 705 млрд сўми (43,8 %) бевосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда бевосита солиқларнинг жами тушумидаги фойда солиғи улуши 40 779 млрд сўмни (56,1 %), даромад солиғи улуши 29 518 млрд сўмни (40,6 %) ва айланмадан олинadиган солиқ улуши 2 407 млрд сўмни (3,3 %) ташкил этган.

Бевосита солиқлар тушумлари ҳақида маълумот¹¹

1-жадвал
млрд.сўм

Номи	2023 йил (тушум)	2024 йил (прогноз)	2024 йил 1 чорак (тушум)	2024 йил 2 чорак (тушум)
Бюджетга тушумлар (жами)	165 918 (100 %)	270 703,1 (100 %)	40 328 (100 %)	45 458 (100 %)
Бевосита солиқлар	72 705 (43,8 %)	85 610,9 (31,6 %)	18 036 (44,7 %)	19 418 (30,8 %)
Фойда солиғи	40 779 (56,1 %)	44 282,7 (51,8 %)	9 697 (53,8 %)	9 474 (48,8 %)
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	29 518 (40,6 %)	38 477,0 (44,9 %)	7 745 (43,0 %)	9 188 (47,3 %)
Айланмадан олинadиган солиқ	2 407 (3,3 %)	2 851,1 (3,3 %)	594 (3,2 %)	756 (3,9 %)

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда бюджетга тушиши кутилаётган жами солиқ тушумлари 200 703,1 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, шундан 85 610,9 млрд сўмини (31,6 %) бевосита солиқлар ташкил қилиши прогноз қилинган. Бунда бевосита солиқларнинг жами тушумидаги фойда солиғи улуши 44 282,7 млрд сўмни (51,8 %), даромад солиғи улуши 38 477,0 млрд сўмни (44,9 %) ва айланмадан олинadиган солиқ улуши 2 851,1 млрд сўмни (3,3 %) ташкил этиши режалаштирилган.

Шунингдек, 2023 йилда бюджетга тушган жами солиқ тушумларининг 28 079 млрд сўми (16,9 %) ресурс солиқлари ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, тушган жами ресурс солиқлари тушумлари жорий йилнинг 1 чорагида 40 328 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 8 072 млрд сўми (20,0 %) ресурс солиқлари ҳиссасига тўғри келган. Мос равишда тушган жами ресурс солиқлари тушумлари жорий йилнинг 2 чорагида 45 458 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 8 266 млрд сўми (18,2 %) ресурс солиқлари ҳиссасига тўғри келган.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи тушумлари ҳақида маълумот¹²

¹¹ Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

¹² Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2-жадвал
млрд.сўм

Номи	2023 йил (тушум)	2024 йил (прогноз)	2024 йил 1 чорак (тушум)	2024 йил 2 чорак (тушум)
Бюджетга тушумлар (жами)	165 918 (100 %)	270 703,1 (100 %)	40 328 (100 %)	45 458 (100 %)
Ресурс солиқлари	28 079 (16,9 %)	31 831,3 (27,3 %)	8 072 (20,0 %)	8 266 (18,2 %)
Ер солиғи	6 890 (24,5 %)	7 171,1 (22,5 %)	1 853 (22,9 %)	2 169 (26,3 %)
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15 300 (54,6 %)	16 684,2 (52,4 %)	4 261 (52,8 %)	4 104 (49,6 %)
Мол-мулк солиғи	5 098 (18,1 %)	6 715,0 (21,1 %)	1 718 (21,3 %)	1 807 (21,9 %)
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	791 (2,8 %)	1 261,1 (4,0 %)	240 (3,0 %)	186 (2,2 %)

Юқоридаги жадал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда бюджетга тушиши кутилаётган жами солиқ тушумлари 200 703,1 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, шундан 31 831,3 млрд сўмини (27,3 %) ресурс солиқлари ташкил қилиши прогноз қилинган.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ресурс солиқлари тушумларининг давлат бюджетиде салмоқли ҳиссаси мавжуд бўлиб, у бюджет даромадларининг муҳим фискал асоси ҳисобланади.

Шунингдек, изланишларимиз давомида, мамлакатимизда амалда бўлган қонун-ҳужжатлари ўрганилиб таҳлил қилинганда юртимизда табиий ресурслар улардан оқилна фойдаланиш мақсадида давлат муҳофазасига олингани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ўрганилганда ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ва унга бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг мажбуриятлари ҳамда ерлардан оқилна фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари каби масалалар назарда тутилгани ойдинлаштирилди.

Изланишлар давомида амалдаги қонун-ҳужжатлари нормалари ўрганилиб таҳлил қилинди. Ўрганишлар давомида юртимизда ер ости бойликлари улардан оқилна фойдаланиш мақсадида давлат муҳофазасига олингани маълум бўлди. Чунончи, Бош қомусимиз ўрганилганда ер ости бойликлари ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилна фойдаланиш мақсадида давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳамда Ҳукумат томонидан табиий

бойликларни сақлаш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни ўрганилганда ер ости бойликларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (кончилик муносабатларини) тартибга солиш мақсадида ушбу қонун амалиётга жорий этилганлиги ҳамда минерал хом ашёга бўлган талабларни ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан оқилона, комплекс фойдаланилишини, ер қаъри, атроф муҳит муҳофаза қилинишини, ер қаъридан фойдаланилаётганда ишларнинг беҳатар олиб борилишини таъминлаш, шунингдек ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мазкур қонуннинг асосий вазифаларидан бири деган хулосага келинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ўрганилиб таҳлил қилинганда сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий чора-тадбирлари сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир этишнинг ўзга турлари учун ҳақ олишни, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда, сувни муҳофаза қилиш ва тежашда самарали бўлган фаолиятни амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзларни, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, экологик рағбатлантиришнинг ва бошқача рағбатлантиришларнинг самарали чора-тадбирлари тизимини қўллаш назарда тутилгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўрганилган ҳолда таҳлил қилинганда ресурс солиқларининг тўловчилари, солиқ солиш объекти ва базаси ҳамда уни аниқлаш тартиби, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари кўзда тутилгани ва ҳуқуқий жиҳатидан мустаҳкамланганлиги аён бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ўрганилганда бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан 2024 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш орқали айрим турдаги ресурс солиқлари тушумларининг тақсимланиши тўғрисидаги қоидалар тартибга солингани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ўрганилганда ресурс солиқларининг жорий йил учун ставкаларига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда ер солиғи

бўйича айрим тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари тақдим этилганлигига оид маълумотлар олинди.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида табиий ресурсларни ҳисобга олиш ҳамда ресурс солиқлари солиқ маъмуриятчилиги тизимининг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди.

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонун-ҳужжатлари ўрганилганда маълум бўлишича, барча табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб давлат муҳофазасига олинган, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва бу ҳар бир шахснинг қонуний бурчи ҳисобланади. Фуқароларда табиий ресурслардан унумли фойдаланиш кўникмаларини янада ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланиб, бу йўналишда юқори натижаларга эришиш давлат ва жамият манфаатларига бирдек ижобий хизмат қилади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ер кодекси ҳамда Солиқ кодекси айрим нормаларини мамлакатимиз маъмурий ислохотлари дастури ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонун-ҳужжатларига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ўрганилганда ресурс солиқлари бўйича кўзда тутилган айрим солиқ имтиёзлари ва бошқа солиқ маъмуриятчилигини тартибга солишга оид айрим қоидаларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди.

Бизнингча, ресурс солиқлари бўйича солиқ маъмуриятчилигининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик субъектлари ва жамият манфаатларига бирдек хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-598-I сонли Қонуни билан қабул қилинган Ер кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
4. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
5. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

6. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги 837-ХП-сонли Қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

8. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 444-П-сонли Қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-422-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг расмий сайти (<https://soliq.uz>).

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

